

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

"Қишлоққурилишлойиха" МЧЖ бош
лойиха-қидирув институти
Бош директори



И.С.Ахмедов

« ____ » « ____ » 2022 йил

Бухоро вилояти Кораулбозор тумани "Тарханон" МФЙ
худуди аҳоли пунктини батафсил режалаштириш лойиҳасини

*Таянч тархдан фойдаланган ҳолда аҳоли пунктини батафсил
режалаштириш лойиҳаси (асосий чизма) М 1:2000;*

Худудларни муҳандислик ускуналаш ишлари М1:2000;

ишлаб чиқиш

ЛОЙИҲА ТОПШИРИҒИ

*Буюртмачи – "Қишлоққурилишлойиха" МЧЖ бош лойиҳа қидирув
институти*

Бажарувчи – Танлов асосида

Лойиҳа топшириғи

1	Лойиҳаланадиган объект титул бўйича номланиши	1.1. “Тарханон” МФЙ аҳоли пунктини батафсил режалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш.
2	Лойиҳалаш учун асос	2.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.08.2019 йилда қабул қилинган 639-сонли қарори. 2.2. Бухоро вилоят қурилиш бош бошқармасининг 2021 йил 30 декабрдаги № 1846 - сонли буюртма хати.
3	Молиялаштириш манбааси	3.1. Давлат бюджети ҳисобидан
4	Объектнинг Республика маъмурий гуруҳида жойлашув ўрни	4.1. Ўзбекистон Республикаси Бухоро вилояти Коравулбозор тумани “Тарханон” МФЙ бош режа ва батафси режалаштириш лойиҳаси
5	Объектнинг асосий таснифи Асосий "Тарханон" МФЙ	5.1. Мавжуд аҳоли сони: 3580 киши Аҳоли ўсиш сони: ҳисоб – китоб асосида 5.2. Аҳоли пункти ҳудуди: томосъёмка учун берилган мавжуд ҳудуд 135.0 га ҳисобий муддат бўйича ҳудуд (га) ҳисоб – китоб асосида.
6	Бош режаларни қўлланиш даври	6.1. Мавжуд ҳолат – 01.01.2022 йил 6.2. Биринчи навбат – 2027 йил 6.3. Ҳисобий муддат – 2037 йил
7	Қумқурғон тумани “Тарханон” МФЙ аҳоли пунктини батафсил режалаштириш лойиҳаси ишлаб чиқиш бўйича асосий талаблар	7.1. Қурилиш вазирлиги томонидан 2019 йил 2 ноябрда 503 сонли буйруғи билан тасдиқланган тартиб асосида. 7.2. Бош режалар навбатма-навбат ШНК 1.03.10-12, ШНК 1.03.02-04*, ШНК 2.07.01-03* да кўрсатиб ўтилган тартиб бўйича ва календар режа асосида ишлаб чиқилади. 7.3. Бош режа таркиби ШНК 1.03.10-12 асосида ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш кумитасининг 01.03.2018 йилги № 7 сонли буйруғига амал қилган ҳолда бажарилади. Бажариладиган ишлар таркиби: Чизма материаллар: 7.4. Аҳоли пунктларини батафсил режалаштириш лойиҳаси ишлаб чиқиш учун бош лойиҳа қидирув институти томонидан йиғилган дастлабки асосий маълумотлар асосида ишлаб чиқиш. - МФЙ аҳоли пунктини батафсил режалаштириш лойиҳаси таянч тархи (ҳозирги ҳолати) М 1:2000. - МФЙ аҳоли пунктини батафсил режалаштириш лойиҳаси (асосий чизма) М 1:2000 7.5. Ҳудудларни муҳандислик ускуналаш ишлари: М1:2000. - Сув таъминоти ва канализация тизими схемаси М1:2000; - Электр таъминоти схемаси М1:2000; - Газ ва иссиқлик таъминоти схемаси М 1:2000; - Алоқа тизими схемаси М 1:2000. 7.6. Ишлаб чиқилган батафсил режалаштириш лойиҳаси "Қишлоққурилиш лойиҳа" МЧЖ бош лойиҳа-қидирув институти билан келишилади.

8	<p>ШНК 1.03.02-04* п.6 асосида Буюртмачи томонидан лойиҳа ишларини бошлашдан олдин берадиган хужжатлар</p>	<p>8.1. Топографик материаллар:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Топографик сьемка М1:2000 - МФЙ аҳоли пунктлари бўйича муҳандислик геология хулосаси. <p>Лойиҳаланадиган МФЙ аҳоли пункти ва ҳудуд бўйича 01.01.2021 йил ҳолатига қуйидаги маълумотлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> - МФЙ ва унинг ҳудуди бўйича аҳоли жойлашиши мавжуд ҳолати - Уй-жой фонди унинг қаватлилиги ва кимларга қарашлилиги - Маъмурий ва хизмат кўрсатиш биноларини мавжуд ҳолати ва жойлашган манзиллари - Муҳандислик ускуналари билан таъминланганлик даражаси ва унинг кўрсаткичлари - Ишлаб чиқариш, саноат объектлари ва уларда ишлайдиган кадрлар ҳақида маълумот. - Аҳоли ёши бўйича тақсимланиш кўрсаткичи - Аҳолининг табиий ва миграция ҳолати бўйича ўсиш динамикаси. - Туман ва МФЙ ҳудудлари орасидаги транспорт алоқаси, уларнинг иш режими, пассажир ташиш маршрутлари, транспортга тегишли бино ва қурилмалар - Йўл-транспорт ва кўчалар йўналиш тармоқлари, уларнинг узунлиги - Умумий фойдаланиш кўкаламзорлари - Спорт ва дам олиш объектлари - Темир йўл бўйича маълумот (агар бўлса) - Мавжуд атроф – муҳит ҳолати - Автомобил транспорти ва унинг қатнов тезлиги
9	<p>Институт томонидан, лойиҳа олди ишлари, лойиҳалаш ишлари, лойиҳаларни келишиши ва тасдиқлашдан ташқари яна қўшимча хизматлар</p>	<p>9.1. Буюртмачи талаб даражасида ёлланма лойиҳа ташкилотига ёрдам беради.</p> <p>9.2. Лойиҳа хужжатларни барча дахлдор туман корхона ва ташкилотлар томонидан кўриб чиқиш вақтида.</p> <p>9.3. Лойиҳа хужжатларини экспертиза идоралари томонидан кўриб чиқиш вақтида.</p> <p>9.4. Лойиҳа бош режасини Қурилиш вазирлиги меъморий шаҳарсозлик кенгаши томонидан кўриб чиқиш вақтида ва туман ҳокимининг қарорини тайёрлаш вақтида.</p>
10	<p>Лойиҳа ишларини бажариш давридаги махсус талаблар</p>	<p>10.1. Шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш ишларини баҳолашда қуйидагилардан фойдаланилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида қўлланиладиган шаҳарсозликга тегишли хужжатларни ишлаб чиқиш учун баҳоланадиган, лойиҳа ишлари нархини аниқлаш бўйича вақтинчалик қўлланма. <p>Бу қўлланма Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қумитасининг 04.04.2011 йилги № 16–сонли буйруғи билан тасдиқланган.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қумитасининг 28.10.2005 й. № 60 сонли буйруғи билан тасдиқланган техник-муҳандисдик қидирув ишларини баҳолаш тартиби.</p> <p>10.2. Хизмат сафарига ажратиладиган маблағ, институт томонидан амалда сарфланадиган харажатга мувофиқ олдин ишлаб чиқилган хужжатлар асосида ҳисобланади.</p> <p>10.3. Бош лойиҳачи белгиланган тартиб асосида, баъзи махсус лойиҳа ишларини бажариш учун қўшимча махсус ташкилотларни ишга жалб қилиш мумкин.</p> <p>10.4. Чизма материаллар ёзиғи ва тушунтириш хати давлат тилида ва баъзи ҳолларда рус тилида ёзилиши мумкин.</p> <p>10.5. Ишлаб чиқилиб тасдиқдан ўтган батафсил режалаштири лойиҳаси хужжатларини амалга ошириш даврида Ҳокимликлар,</p>

		<p>Қурилиш вазирлиги, шаҳар ва туман меъморлари, лойиҳада жойлаштирилган объектларни, қурилишга юборишдан олдин албатта бош лойиҳачи ҳисобланган “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ институти билан келишиши талаб қилинади.</p> <p>10.6. Ёзувли (китоблар) ва чизма материаллар (букланган) бош режа ҳужжатлари буюртмачи “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ бош лойиҳа-қидирув институти бажаради.</p> <p>Бажарувчи томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа ишлари 2-3 нусхалари буюртмачига берилади.</p> <p>Электрон шаклда 1-нусхаси буюртмачига берилади.</p>
11	Лойиҳалаш муддати	<p>11.1. Лойиҳалаш муддати, календар график асосида белгиланади.</p> <p>Изоҳ: Ёлланма лойиҳачи, бажариладиган лойиҳа иши учун тўланадиган бўнак пули тушиши кечикиши ёки олдинги бажарилган иш учун маблағ тўланмаслигига қараб, календар графикда кўрсатилган муддатни кечиктириш ҳуқуқига эга.</p>
12	Бош режаларни дахлдор ташкилотлар билан келишиши тартиби	<p>12.1. Шаҳарсозлик ҳужжатларини жойлардаги дахлдор ташкилотлар билан келишиши ва тасдиқланиши амалдаги ШНК 1.03.02-04*нинг 105-109 ва 121-141 бандлари, ҳамда ШНК 1.03.10-12 мувофиқ амалга оширилади.</p>
13	Бош режаларни ишлаб чиқиш билан биргаликда аҳоли пунктини батафсил режалаштириш лойиҳаси ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш	<p>13.1. Бош режаларни ишлаб чиқиш билан биргаликда аҳоли пунктини батафсил режалаштириш лойиҳаси ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиш ШНК 1.03.02-04* ва ШНК 1.03.10-12 асосида бажарилади.</p> <p>13.2. Ўзбекистон Республикаси қурилиш Вазирлигига қарашли, экспертиза бош бошқармасига лойиҳага тегишли барча ҳужжатларни буюртмачи топширади ва тўлов кафилигини олади.</p>
14	Ушбу лойиҳа – топшириғи шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун асосий ҳужжат ҳисобланиб, шу билан биргаликда шартоманинг бир қисми ҳисобланади.	

Буюртмачидан:

**Бош режаларни ишлаб чиқиш ва
худудларнинг меъморий-режавий
ташқиллаштириш бошқармаси бошлиғи:**



К.Эшдавлатов